

Раҳмни кесувчи қавмга раҳмат нозил бўлмаслиги



13:44 / 17.12.2025 1211

???? ?????? ?????? ???? ?????? ???????? ??????: ??????

????????? ?????? ???????? ?????? ??????????? ????????????:

«??? ?????????? ??????????????? ?????? ???????? ?????????????

?????????» . ?????????? ???????? ?????? ??????????????: ???

????????? ???????? ?????? ??? ?????????? ?????? ???????

????????????????? ??????: ?????????? ?????????? ?????? ???????

????? ?????????? ???????????? : «????? ?????????????????» .

Абдуллоҳ ибн Абу Авфодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ичида қариндошлик алоқаларини кесувчи бор қавм устидан раҳмат нозил бўлмайди», дедилар. Ул зотнинг ҳаммажлисларидан бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, менинг холам бор. Мен у билан гаплашмас эдим», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тур! У билан гаплаш», дедилар».

Бир қавм бор. Уларнинг ичида биттаси қариндошлик алоқасини узиб, гуноҳ иш қилиб юрибди. Қариндошлари билан алоқасини яхшиламаяпти. Ана шу биргина одам қариндошлик алоқаларини узганлиги учун қавмнинг ҳаммасига Аллоҳнинг раҳмати тушмайди. Ўша қариндошлик алоқаларини узган биргина нобакорнинг сабабидан бутун бир қавм Аллоҳ таолонинг раҳматидан маҳрум бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу гапни айтганларидан кейин мажлисдаги кишилардан бири:

«Эй Аллоҳнинг Расули, менинг холам бор. Мен у билан гаплашмас эдим», деди».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Тур! У билан гаплаш», дедилар».

Бу ҳадиси шариф ҳаммамиз учун яхши ўрнақдир. Эътибор беринг-а, Набий алайҳиссалом бояги саҳобийдан холаси билан гаплашмай юришининг сабабини сўраб ҳам ўтирганлари йўқ. Ҳеч қандай изоҳ ҳам талаб қилмадилар. Ҳаттоки насиҳат ҳам қилиб ўтирмадилар. Аксинча, дарров туришга, бориб, холаси билан гаплашишга қатъий амр қилдилар. Чунки бу ва шу каби бошқа ҳолатларда нариги тараф ким ва қандай бўлишига қарамай, золим, фосиқ ёки кофир бўлишидан қатъи назар, силаи раҳмни узувчи кимса асосий гуноҳкор ҳисобланади. Нариги тарафни Аллоҳ таолонинг Ўзи тўғри йўлга солиб қўйиши, гуноҳини кечириши, унга раҳм-шафқат қилиши мумкиндир, лекин бериги, яъни раҳмни узувчи тараф Аллоҳ таолонинг раҳматидан ҳар икки дунёда ҳам бенасиб қолишини ўйласин. Шу гапларни эшитганлар, қариндошлари билан алоқаларини узиб юрганлар мазкур саҳобий розияллоҳу анҳу каби дарҳол ўзларининг айбларини англаб етишлари керак. Ва албатта, Аллоҳ таолога шак келтирмаса, Набий алайҳиссаломни инкор қилмаса, тезда тавба қилиб, алоқасини узган қариндошлари билан алоқасини боғласин. Гаплашмай

қўйганлари билан гаплашсин. Яхшилик қилмай қўйганларига яхшилик қилсин.

Бу ҳукмга итоат қилмаганлар Аллоҳ таолога ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилишдан бош тортган бўладилар. Қиёматда эса силаи раҳмни узган бу каби нобакорлар Аллоҳ таоланинг раҳматидан ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатларидан ҳам бенасиб қолишади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Ичида раҳмни кесувчи бор қавм устидан раҳмат нозил бўлмаслиги.
2. Силаи раҳм жамиятга Аллоҳ таоланинг раҳмати нозил бўлиб туришига сабаб экани.
3. Бир шахснинг гуноҳи туфайли бутун қавм яхшиликдан маҳрум бўлиши мумкинлиги.
4. Қариндош билан гаплашмай қўйиш силаи раҳмни узишдан экани.
5. Ваъз эшитганда ундан ўзига хулоса чиқариб, хатосини тузатишга ҳаракат қилиш кераклиги.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 2-жуз.

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида чоп тайёрланди.